



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 1 - avgust

305-11-0-Q/22

Farg‘ona viloyati hokimligi

Қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “2019 - 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4291-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 95-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган “Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўпланиш меъёрларини аниқлаш буйича ўтказилган экспериментал тадқиқот ва хронометраж натижалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 31 майдаги 04-04/1-874-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг меъёрлари (кейинги ўринларда - Меъёрлар) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Б.Касимов) вилоятдаги барча санитар тозалаш корхоналари билан биргаликда ҳудудларни санитария жиҳатдан тозалаш ишларини мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрлар асосида ташкил этилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, меъёрлардан:

санитар тозалаш корхоналари фаолиятларини олдиндан режалаштириш;
чиқинди ташиш техникалари, механизмлар ва ускуналарга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳисоб-китоб қилиш;

санитар тозалаш корхоналари томонидан маиший чиқиндиларни йиғиш ва аҳоли пунктларидан олиб чиқиш хизматини кўрсатиш;

юримдик шахслар билан шартномалар тузиш;

маиший чиқиндиларни утилизация қилиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш соҳасининг усулларини белгилаш мақсадларида фойдаланилади.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Джумабоев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (Ш.Аслонов) билан биргаликда вилоят ҳокимининг мазкур қарорини вилоятдаги маҳаллий телевидения, ва радиоканалларда ҳамда ҳокимлик муассислигидаги газеталарда эълон қилсин шунингдек, ҳокимликнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирсин.

6. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Исақов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Farg'ona viloyat hokimining
2022 yil 1 avgustdagi
305-11-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг (ҚМЧ) тўпланиш меъёрлари

№	Қаттиқ маиший чиқиндиларни объектлари	Хисоб бирлиги	ҚМЧларнинг ҳисоб бирлигига тўғри келган миқдорлари (г/кун)	Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг солиштирма оғирлиги кг/м ³
I	Турар жой сектори			
1	Уй жой фонди (кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги)	1 киши (истиқомат қилувчи)	800,070	433,063
2.	Дала ховли	1 участка	йук	йук
II	Нотурар жой объектлари (ташкilotлар, корхоналар)			
3	Маъмурий ва бошқа муассасалар (ташкilotлар, офислар, маҳкамалар, идоралар, банклар ва бошқалар)	1 ходим	290,023	148,734
4.	Меҳмонхоналар, ётоқхоналар, дам олиш уйлари ва бошқалар.	1 ўрин	4971,682	404,456
5.	Интернатлар, меҳрибонлик уйлари, қариялар уйлари в.б.	1 ўрин	790,852	233,555
6.	Умумий овқатланиш корхоналари, муассасалари (кафелар, ресторанлар, ошхоналар, барлар, тамаддихоналар в.б.	1 ўрин	547,615	253,854
7.	Мактабгача таълим муассасалари	1 ўрин	41,896	259,650
8.	Мактаблар, коллежлар, ОТМ ва бошқа таълим муассасалари	1 ўқувчи, талаба	232,2	327,016
9.	Поликлиникалар	1 ташриф буюрувчи	13,056	121,572
10.	Касалхоналар, санаторийлар, пансионатлар, бошқадаволаш-профилактика муассасалари ва бошқалар	1 ётоқ-ўрин	1291,284	312,977
11.	Театрлар, кинотеатрлар, концерт заллари, кутубхоналар, клублар, ўйинавтоматлари заллари ва бошқалар.	1 ўрин	36,456	201,913
12.	Сартарошхоналар, гўзаллик салонлари ва бошқалар.	1 ўрин	2906,713	172,931
13.	Стадионлар, спорт ареналари, спорт майдончалари ва бошқалар.	лойиҳа бўйича 1 ўрин	2,534	215,624
14	Бозорлар, супермаркетлар, гипермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари, универмаглар, ярмаркалар, саноат моллари дўконлари, савдо павилёнлари, киосклар, чодирлар ва бошқалар.	1 м ² савдо майдончаси	555,013	327,166
15	Дорихоналар	1 м ² савдо майдончаси	405,245	328,947

16	Автомобиль, чакана савдо столи ва х.к. савдо жойлари	1 савдо ўрин	3958,489	448,491
17	Музейлар, кўрғазмалар ва бошқалар.	1 м ² умумий майдони	5,062	180,403
18	Спорт, рақс, ўйин заллари ва бошқалар.	1 м ² умумий майдони	4,437	68,169
19	Озик-овқат маҳсулотларининг улгуржи савдо базалари, омборлари ва х.к.	1 м ² умумий майдони	3,821	235,758
20	Саноат моллари улгуржи савдо базалари, омборлари ва х.к.	1 м ² умумий майдони	13,539	315,610
21	Вокзаллар, автовокзаллар, аэропортлар ва бошқалар.	1 м ² умумий майдони	12,352	310,643
22	Пляжлар	1 м ² умумий майдони	24,809	188,591
23	Маиший хизмат уйлари: аҳолига хизмат кўрсатиш	1 м ² умумий майдони	35,462	177,591
24	Кирхоналар, химчисткалар, кийим тикиш ва таъмирлаш ательелари, пойабзал таъмирлаш устахоналари в.б	1 м ² умумий майдони	45,359	213,042
25	Хаммомлар, сауналар ва бошқалар.	1 м ² умумий майдони	25,443	248,533
26	Маиший техника, электрон ускуналарни ва бошқаларни таъмирлаш устахоналари.	1 ишчи ўрин	2960,905	178,851
27	Автомобиль тураржойлари, автомобиль ювиш шахобчалари, автомобиль таъмирлаш устахоналари, ёқилғи қуйиш шахобчалари (ЁҚШ), гаражлар в.б.	1 машина - ўрин	8170,225	258,536
28	Юридик шахслар томонидан оммавий тадбирлар ўтказиш жойлари, ҳуқуқий, жамоавий йиғилиш тадбирлари	1000 қатнашувчи	953,651	417,847